

## Ғийбатнинг зарарлари (8-қисм)



20:45 / 21.04.2018 4063

### **Ўн учинчи зарар: охиратда маймунга айланиш.**

Бу борада Ҳотимул Асам раҳимаҳуллоҳнинг «Ғийбатчи дўзахда маймун бўлади» деган сўзи юқорида «Нузҳатул мажолис»дан нақл этилган ҳолда келтирилди.

### **Ўн тўртинчи зарар: қабр азобининг кўп бўлиши.**

Бу ҳақда юқорида Қатода розияллоху анҳунинг «Қабр азобининг учдан бир қисми ғийбат сабабидан бўлади» деган гапи нақл этилди.

### **Ўн бешинчи зарар: мунофиқлик сифатининг пайдо бўлиши, мунофиққа ўхшаб қолиш.**

Бу ҳам юқорида зикр этилди. Ҳажжожни ёмонлаб ғийбат қилаётган бир кишини кўрган Ибн Умар розияллоҳу анҳумо унга: «Ҳажжож ҳозир шу ерда бўлса ҳам шу айтган гапларингни айта олармидинг?» дедилар. У: «Йўқ», деди. Шунда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида буни, яъни кишининг олдида айта олмаган гапни унинг ортидан гапиришни мунофиқлик деб санар эдик», дедилар.<sup>[1]</sup>

### **Ўн олтинчи зарар: ишонч ва эътиборнинг қолмаслиги.**

Ғийбатчига одамлар қошида ишонч йўқолади. Улар: «Бу фалончини бизга ёмонлаганидек, бизни ҳам бошқаларга ёмонлайди», деб биладилар. Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтганидек:

*Ҳар он кас барад номи мардум ба ор,*

*Ту чашми накуғйи аз вай мадор.*

*Ки андар қафойи ту гўяд ҳамон,*

*Ки пеши ту гуфт аз паси мардумон.*

### **Назмий маъноси:**

*Ҳар кишиким одамларни ёмонлаб эслар,*

*Ул кимсадан умид қилма сен яхши сўзлар.*

*Ўзгаларнинг орқасидан сенга неки дер,*

*Билки, сенинг гўштингни ҳам у бемалол ер.*

**Насрий баёни:** Одамларнинг номини ёмонлик билан зикр қиладиган кишидан яхши гап кутмагин (умид қилмагин). У сенинг ёнингда одамлар ортидан нима деган бўлса, сенинг ортингдан ҳам ўшани айтади.

**Ҳикоя.** Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

*Забон кард шахсе ба ғийбат дароз,*

*Бадугуфт донандаи сарфароз.*

*Ки ёди касон пеши ман бад макун,*

*Маро бадгумон дар ҳақи худ макун.*

**Назмий маъноси:**

Бир кимса ғийбатга узатганди тил,  
Улуғвор, доно зот деди унга: «Бил,  
Менга одамларни кўрсатма ёмон,  
Ўз ҳақингда мени қилма бадгумон».

**Насрий баёни:** *Обрўси баланд доно бир зот ғийбатга тилини чўзган бир кишига шундай деди: «Кишиларни ёмон ҳолда ёд этиш орқали мени ўзинг ҳақингда ёмон гумонга олиб бормагин».*

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

**Таржимон:** Ёрқинжон Фозилов

[\[1\]](#) «Ихёу улумид-дин».